O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 5 - avgust 404-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Ғаллаорол туманидаги “Барака Агро Про” масъулияти чекланган жамиятига тегишли ер майдонининг 0,24 гектарини туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қисман қайтариш ва давлат рўйхатига олиш ҳамда “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”га ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармасининг 2022 йил 28 июлдаги 01/13-4476-сонли хати ҳамда “Барака Агро Про” масъулияти чекланган жамиятининг розилик аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5- ва 36-моддалари ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармасининг 2022 йил 28 июлдаги 01/13-4476-сонли хати ҳамда “Барака Агро Про” масъулияти чекланган жамиятининг розилик аризаси инобатга олинсин.

2. “Барака Агро Про” МЧЖга Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2018 йил 14 июндаги 1833-сонли қарорига асосан Хонимқўрғон ҚФЙ Ғаллакор қишлоғи ҳудудидан минибозорча қурилиши учун ажратиб берилган 38-контурдаги 0,24 гектар ер майдони туман ҳокимлигининг захира ерлари ҳисобига қайтарилсин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Н.Сидиков) уч кун муддатда, МЧЖ хати асосида захирага олинган ер участкасини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказсин.

4. Ғаллаорол тумани ҳокимлиги (Ж.Оқбоев) уч кун муддатда ер майдони

захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётганлиги туфайли МЧЖ раҳбарини огоҳлантирсин;

5. Ғаллаорол тумани ҳокимлиги (Ж.Оқбоев)га иловада кўрсатилган ўз розилик хати билан ер майдони тўлиқ захира ерлар ҳисобига қайтарилаётган МЧЖ билан тузилган “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”ни бекор қилиш ҳамда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

6. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Б.Бобоқулов) Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Н.Сидиков), “Жизвилерлойиҳа” вилоят бўлинмаси (К.Холмуродов) ва Фориш тумани ҳокимлиги билан биргаликда давлат мулки сифатида қайтарилаётган мазкур ер майдонларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли ва 2021 йил 27 августдаги 543-сонли қарори билан тасдиқланган маъмурий регламентлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси талабларига мувофиқ очиқ электрон танлов ва аукцион орқали талабгорларга бериш чораларини кўрсин.

7. Барча хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар раҳбарларига иловадаги ердан фойдаланувчининг ер майдони Ғаллаорол тумани захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилиши муносабати билан ўзаро ҳисоб-китобларни кўриб чиқиб, якуний ҳулосани уч кун муддатда вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Б.Назаров ҳамда О.Ашурматов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**